O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 27-sentabr • Payshanba • 119-120 (27.765) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

АГАР ҲАЁТ КИТОБ БЎЛСА, СЎЗИ МУАЛЛИМ...

Мактабга эътибор — келажакка эътибор. Бу боқий тамойил мустақиллик йилларида қанчалар муҳим заруратга айланганини бугун ушбу соҳа бўйича қатор дастурлар қабул қилиниб, ёш авлод тарбиясида янги босқич бошланганида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» мамлакатимиз мактаблари ҳаётида янги саҳифа очди. Ўқишнинг, ўқитишнинг салмоғи ва масъулияти ортди. Айни пайтда мазкур дастур асосида шаҳар ва қишлоқларимиздаги юзлаб, минглаб илм масканлари янгича кўриниш касб этаётгани юртимизда мактабга кўрсатилаётган беқиёс меҳрнинг амалдаги ифодаси бўлмоқда.

— Бундан ярим аср аввал қурилган эски мактабимиз биноси охирги йилларда жуда ёмон аҳволга тушиб қолганди, — дейди Каттақўрғон туманидаги 50-мактаб директори Саъдулла Ражабов. — Қор-ёмғирли кунларда ўқувчиларга дарс беришга қийналардик. Яқинда мактабимизнинг 420 ўринга мўлжалланган икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилгани нафақат ўқувчилар, балки биз ўқитувчилар, ота-оналарни ҳам чексиз қувонтириб юборди.

Ҳа, бугун, муҳташам мактабнинг кўркам қиёфаси, ундаги энг замонавий шароитлар ҳар қандай ўқувчи қалбини фахр-ғурурга тўлдиради. Бугунги кунда ушбу даргоҳда 600 нафар ўғил-қиз икки сменада таълим олишни бошлашди.

(Ўз мухбиримиз)



Суратларда: *мактаб ҳаётидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод вояга етмоқда

Марказий сайлов комиссиясида

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайловни ўтказиш жараёнларини холисона ёритишга оид битим имзоланди.

Очиқ ва эркин сайловларнинг демократик принципларга мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун талабларига асосан оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов жараёнини кенг ёритиб боради. Бунда, айниқса, телевидение ва радио алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда Ўзбекистон теле ва радиоканаллари кўрсатув ва эшиттиришларини нафақат мамлакатимизда, балки, сунъий йўлдош ва Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтасидан кўриш ва тинглаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан миллий сайлов қонунчилигимизни сайловчилар орасида тушунтириш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш, сайлов жараёнининг очиқлиги, ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ўтказилаётган сайлов жараёнидаги асосий тадбирларнинг босқичлари, муддатлари ва мазмуни ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида мазкур битим имзоланди.

— Ушбу битим Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле ва радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ўзаро ҳамкорликни назарда тутади, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган тадбирларнинг муддати, тартиби ва мазмуни тўғрисидаги Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган теле ва радио дастурларини ёритишда техник жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Асосий мақсад — сайловчиларимизга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари билан ҳар томонлама танишиш ва сайлов куни ўзлари муносиб деб топган номзодлар учун онгли равишда овоз беришлари учун барча шарт-шароитни яратишдан иборатдир. Ушбу имзоланган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ тадбирларни телевидение ва радио орқали ёритишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Битимни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Ҳўжаев имзолади.

(ЎзА)

Олий Мажлис Сенатида

ҚОНУНЧИЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифа» мавзуида семинар ўтказилди, унда ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг мавжуд ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ аҳолининг даромадлари даражаси ва фаровонлигини изчиллик ҳамда собитқадамлик билан оширишга, унинг эҳтиёжманд қатламлари, хусусан пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиб келинмоқда.

Семинар иштирокчилари иқтисодиётни ислоҳ этишнинг ҳар бир босқичида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат томонидан устувор йўналиш сифатида белгиланаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йил муайян ижтимоий масалани ҳал этиш мақсадида маълум йўналишга бағишланмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг қонунчилик базаси ва механизмлари мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўлланаётган давлат бюджети харажатлари ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Ёлғиз фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий ҳимоя этиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан ҳукумат ҳар йили махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 19 мартда ҳамда «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган Фармонлари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган вазифаларнинг бағоят муҳимлиги ва алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Жорий йилда давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлар 54,3 фоизни, кам таъминланган оилаларга, шу жумладан ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун харажатлар миқдори бюджетда етти фоизни ташкил этади. Давлат ижтимоий сиёсати амалга оширилиши натижасида эҳтиёжманд оилалар ва одамларга ёрдам кўрсатишга табақалаштирилган тарзда ёндашув кучаймоқда, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари ҳар бир тоифасидаги мавжуд қийинчилик ва муаммолар ўрганиб борилмоқда ҳамда уларнинг талаб-эҳтиёжлари имкон қадар қаноатлантирилмоқда.

Семинарда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса маҳаллалар катта иш олиб бораётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Масалани муҳокама этиш асосида семинар иштирокчилари аҳолининг ижтимоий ҳимояга биринчи галда муҳтож тоифаларини — кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларни, талабалар ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолаётганлигини қайд этдилар. Жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ўзаро хайрихоҳликни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш шунга боғлиқдир. Тадбир иштирокчилари ўзаро фикр алмашдилар, ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини янада оширишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар билдирдилар.

Семинар ишида сенаторлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Маҳалла» жамғармаси, шунингдек, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

ЎзХДП: устувор вазифалар

ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР ФАОЛИ

аъзолар ва электорат вакилларининг дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий маданиятини оширишга масъулдир

Даврнинг ўзи сиёсий партиялар олдига янги ва долзарб вазифаларни қўяпти. Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасида ушбу вазифалар нималардан иборат экани кўрсатиб берилди.

Партиянинг Тошкент вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши мазкур маърузани чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш вазифаларига бағишланди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— 16 йилда эришган ютуқларимиз улкан ва салмоқли. Барчаси кўз ўнгимизда, барчамизнинг бевосита ёки билвосита иштирокимизда юз бермоқда. Биз — партия фаолларининг асосий вазифаси эса оддий фуқаролар, электоратимиз вакилларида дахлдорлик ҳиссини кучайтиришдан иборат.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзкўргазмасавдо» республика савдо ярмаркаси марказида Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида ICTExpo-2007 ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси давом этмоқда.

Жорий йилда ICTExpo-2007 бир вақтнинг ўзида икки шаҳар — Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтмоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ёрдамида Тошкент ва Самарқанд ўртасида видеоконференц-алоқа ўрнатилди. Ҳар икки кўргазма ташкилотчи ва иштирокчилари бир пайтнинг ўзида катта мониторлар орқали очилиш маросимини кузатиш, бир-бирини қутлаш имконига эга бўлди.

Кўргазмада Ўзбекистон IT-соҳасининг 45 дан ортиқ етакчи корхоналари, шунингдек, IT-компаниялар — софтмаҳсулотлар (дастурий таъминот) ишлаб чиқарувчилар, провайдерлар, ускуналар, жумладан Huawei Technologies, Motorola, Nokia-Simens, ZTE Corporation, Uzbektelekom, East Telekom, Sarkor Telekom, Coscom, Perfectum Mobile, MTC-Uzbekistan, Unitech, Teleset Alfa, TSS, UCD Micros, Agata Impex, Sharifa-T каби бошқа телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчилар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этмоқда.



Ташриф буюрганлар бошқа кўплаб таълим ва маърифий тадбирларда ҳам қатнашиши мумкин. Бундан ташқари, бу ерда махсус геймер ҳудудлар ва action-zone ишлаб турибди. Кўргазмада геймер турнири ҳам бўлиб ўтади.

Суратларда: *кўргазмадан лавҳалар.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТЛАР

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ АСОСИДА ЎТДИ

Одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимини ошириш, фаол фуқаролик муносабатини шакллантириш ҳар қандай жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистон ХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими тобора такомиллаштириб борилмоқда. Бир йил давомида жойларда ўқувлар олиб борилди. Шу йил сентябрь ойидан эса иккинчи ўқув йили бошланди.

Пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида ЎзХДП Собир Раҳимов туман, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари фаолларининг янги ўқув йилидаги илк машғулоти бўлиб ўтди. Мазкур семинар Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги маърузасини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишни ташкил этиш масалаларига бағишланди.

Юртбошимиз ўз маърузасида давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар олдида турган янги устувор вазифаларга алоҳида тўхталди. Айни шу масалалар семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ўзига хос тараққиёт йўли ҳақида фикр юритди.

2-бет

ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТЛАР

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ АСОСИДА ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Миллий университети Сиёсатшунослик кафедраси доценти Одилжон Мусаев мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича партия дастурий вазифалари ҳақида батафсил тўхталди. ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова ўз сўзида Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бугунги давр талабидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштироки, улар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига тўхталди. Жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини янада ошириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасидаги асосий масалалар ҳақида мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Маърузачилар юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, унинг замиридаги «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» тамойилига асосланганини таъкидладилар, иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Учтепа туман партия кенгашида бўлиб ўтган ўқув машғулотида туман партия кенгаши раиси Маҳмуд Ёқубов Президентимиз маърузасининг асосий жиҳатларига тўхталди. Ўсиб келаётган авлод онгида бугунги кун бунёдкорлик ўзгаришларига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Йиғилиш қатнашчилари маърузани маҳаллалар, БПТда ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича фикрларини билдирдилар.

Семинар сўнггида ЎзХДП сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: машғулот қатнашчиларидан бир гуруҳи.

ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР ФАОЛИ

АЪЗОЛАР ВА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ КУЧАЙТИРИШ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА МАСЪУЛДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кейинги вақтда партиямизда тарғиботчилар гуруҳларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бир йил давомида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини шакллантирдик. Президентимиз маърузаси тарғиботчилар учун ҳам, ўқув машғулотларимиз учун ҳам асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Сирожиддин АЪЗАМОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партия фаоллари ва депутатлик гуруҳларимизнинг асосий вазифаларидан бири — ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб боришдир. Шу маънода фаолларимиз иштирок этган Мустақиллик дарслари кўнгилдагидек иш бўлди. Бундай тадбирларни йил давомида доимий ўтказиб туришни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Бугун юртимиз тинч, Ватанимизда фуқаролар осойишта ҳаёт кечирмоқда. Аммо, бу тинчлик нималарнинг эвазига таъминланаётгани, унинг ортида қандай заҳматли меҳнатлар, одилона сиёсат ётганини ўғил-қизларимизга ётиғи билан тушунтиришимиз керак. Ёшларимизни четдан бўлаётган турли хуружлар ва ёт таъсирлардан асраш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ҳаммамиз маҳаллаларда истиқомат қиламиз, яшаётган жойимиздаги аҳвол, одамларнинг кайфиятини яхши биламиз. Ҳар бир маҳалланинг бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига хос жиҳатлари бор. Шунинг учун тарғибот ишларини ҳам ҳар бир ҳудуднинг, у ердаги фуқароларнинг ҳаётини яхши ўрганган ҳолда олиб бориш лозим.

Йиғилишда сўз олган Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси, вилоят Кенгаши депутати Муҳайё Тўлаганова, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Нўъмон Насимов, ЎзХДП Бўстонлиқ туман кенгаши раиси Рихсивой Маҳаматов, халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Солижон Бойматов ва бошқалар ҳам масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, таклифларини ўртага ташладилар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида ҳам худди шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кенгаш ижроия қўмитаси, республика Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари, шаҳар, туман партия кенгашлари, депутатлик гуруҳлари раислари қатнашдилар.

Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси Атаулла Асанов Президентимиз маърузасини ўрганиш ва тарғиб қилишда партия ташкилотларининг сиёсий ва ташкилий вазифалари ҳақида маъруза қилди. Фаоллар зиммасидаги масъулият нечоғли катта эканига эътибор қаратди.

Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси ўринбосари Елиубай Бегматов, Ўзбекистон ХДП Кегайли, Қораўзак, Хўжайли туман кенгашлари раислари Еркин Хожанов, Қидирниёз Досназаров, Мурат Исмаиловлар мустақил босиб ўтган йўлимиз, эришган ютуқларимиз, унинг замирида нималар ётганини тушунтиришда депутатларнинг ўрни, фуқаролар йиғинлари ва маҳалла партия ташкилотлари ҳамкорлиги ҳақида таклиф-мулоҳазалар билдирди. Партия кенгашлари, ҳудудий ва бошланғич ташкилотлар, ҳар бир партия аъзоси, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотларининг фаоллигини ошириш, демократик янгиланишлар жараёнида ҳар бир кишида фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари таҳлилига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ҳам юқоридаги масалага бағишланди. Унда вилоят партия кенгаши раиси Ҳамро Эрматов Юртбошимиз маърузаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлганини таъкидлаб, унда баён этилган хулоса ва илгари сурилган ғоялар партия ташкилотлари, депутатлик тузилмаларининг сиёсий фаоллиги, ташаббускорлигини жиддий оширишни талаб этаётганини уқтирди.

Беҳзод ШУКУРОВ, Реймбой ЕШИМБЕТОВ, Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Суратда: ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия қўмитаси кенгайтирилган йиғилишидан лавҳа.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Дастлаб «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Алиқул Эрдонаев тушунтириш берди.

Маълумки, шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2007 йил 1 августдан бошлаб мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга акциядорлик жамиятлари устав капиталида олтин акция жорий этилди. Олтин акция давлат улуши умуман бўлмаган ёки 25 фоиздан ошмайдиган стратегик тармоқларда жорий этилади. Ушбу акция сотилмайди ва бировга ўтказилмайди. Дивиденд олиш ҳуқуқини ҳам бермайди. Аммо акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашида иштирок этади. Жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи — жамиятни тугатиш, фаолият йўналиши, устав фондини ўзгартириш, йирик шартномаларни имзолаш, бошқа жамиятлар фаолиятида иштирок этиш каби масалаларга вето қўйиш ҳуқуқига эга. Мазкур янги меъёрлардан келиб чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари Равиль Собиржонов сўзга чиқди.

Мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур Қарор билан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг янгиланган Дастури тасдиқланган. Давлат объектларини хусусий инвесторларга сотиш самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган. Корхоналарга инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган. Инвестиция даври мобайнида корхонанинг олдинги қарзини қоплаш учун маблағ мажбурий ундириб олинмаслиги белгиланган. Мазкур меъёрлар ҳаётга татбиқ этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритилмоқда.

Савол: Президент Қарорида киритилаётган инвестициялар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғидан озод этилган. Аммо бу меъёр негадир Солиқ кодексига киритилмаяпти.

Жавоб: (Р.Собиржонов): Ушбу солиқ тури маҳаллий бюджетларга ундирилади. Шунинг учун уни Солиқ кодексига киритиш шарт эмас, деб топилди. Аммо бошқа имтиёзлар акс этаяпти.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу масалалар бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шарбат Абдуллаева батафсил тушунтириш берди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод АБДУҚАЮМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу халқаро тадбирда ўнга яқин мамлакатдан олтмишдан зиёд компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад электр энергетикаси соҳасида фойдаланиш учун мўлжалланган илмий ва саноат ускуналари, энг сўнгги технологик ишланмаларни намойиш этиш, тажриба алмашиш, мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорини, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар ва инвесторлар ўртасидаги кооперацион алоқаларни янада кенгайтиришдан иборатдир.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА

«POWER UZBEKISTAN — 2007» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН ЭНЕРГЕТИКА КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кўргазмада «Ўзкабель», «Ўзкоммуниссиқликтаъмир», «Электроаппарат» сингари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам машҳур компанияларимиз маҳсулотларига алоҳида жой ажратилган.

«Power Uzbekistan — 2007» иккинчи халқаро ихтисослашган кўргазмасида иштирок этаётган мамлакатлар ва компаниялар сони ўтган йиллардагига нисбатан анча ошди. Бу эса мамлакатимизда хорижлик инвесторлар учун қулай шароит яратилганидан, жаҳон ҳамжамиятининг юртимизга бўлган қизиқиши тобора ўсиб бораётганидан далолатдир.

Суратларда: *кўргазмадан лавҳалар.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАНЛОВИ

Шу кунларда этник корейслар Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ушбу сана муносабати билан яқинда пойтахтимиздаги Ўзбекистон — Корея дўстлик фондида корейс тилини ўрганувчи 9-11 синф ўқувчилари ўртасида нотиқлик санъати бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Корейс миллий-маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов ўқувчиларнинг корейс тилидаги билимларини яна бир бор синовдан ўтказди.

— Биз корейс тилини ўрганишга киришаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус стипендия ҳам ташкил этганмиз, — дейди Ўзбекистон — Корея дўстлик фонди директори Пак Канг Юн. — Ушбу танловда ўзбек қизининг ғолиб бўлиши шахсан мени ҳайратлантирди. Бу эса ўзбекларнинг корейс халқи, маданияти ва тилига бўлган юксак эҳтиромининг амалдаги ифодасидир.

Тўмарис ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

ЁКИ НОҚОНУНИЙ ҚИМОР ЎЙИНЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

«Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Мазкур қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 28 мартдаги қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 16 августдаги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Фуқаролик, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексиларига ҳамда Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган олтита моддадан иборат.

Ушбу қонунни қабул қилишдан мақсад мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солиш, ўсмирлар ва ёшларни бундай турдаги ўйинларга жалб этишга барҳам бериш, қимор бизнеси салбий оқибатларининг олдини олиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ноқонуний равишда ташкил этганлик ва ўтказганлик учун, шунингдек, қиморхоналарни сақлаб турганлик учун жавобгарликни кучайтиришдан иборатдир.

Қонуннинг 1-моддаси биринчи бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи 278-моддаси таҳрирда берилди. Унга биноан:

а) ушбу модданинг биринчи қисми санкциясида мазкур ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш учун етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди;

б) мазкур турдаги жиноятнинг такроран ёки хавфли рецидивист, уюшган гуруҳ томонидан содир этилишининг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилди;

в) ўсмирлар ва ёшларни бундай турдаги ўйинларга жалб этишга қўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш эҳтиёжидан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазосини назарда тутувчи учинчи қисм билан тўлдирилди;

г) телекоммуникация тармоқларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатганлик, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, тарқатиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тўртинчи қисм билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида атамаларнинг ҳуқуқий маъноси берилган сидаги кодексининг 191-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар) янги таҳрирда берилди. Унга биноан қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этганлик, вояга етмаган шахсларни қимор ўйинларида иштирок этишга жалб қилганлик, телекоммуникация тармоқларида қимор ўйинларини ташкил этганлик ёки ўтказиш учун хизмат кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб Республикамиз ҳудудида тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари, қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланган. Шундан келиб чиқиб, **Қонуннинг 3-моддаси** бўйича Фуқаролик кодексининг 984-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унда давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилди. Мазкур моддадан «тотализаторлар ва бошқа ўйинлар» сўзлари, яъни тақиқланган ўйинларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар чиқарилди.

Солиқ кодекси 8-моддасида айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солиш хусусиятлари тартибга солинган. Унга биноан лотереяларни ташкил қилиш, таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар ягона солиқ тўлайдилар. Эндиликда эса қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа баъзи ўйинлар тақиқланган муносабати билан **Қонуннинг 4-моддаси** бўйича Солиқ кодексининг 8-моддасидаги «тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташланди.

Худди шунингдек, **Қонуннинг 5-моддаси** бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорига 1-иловадан ҳам лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари сифатида «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мазкур соҳа билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, ёшларимизни қимор ўйинлари таъсиридан асрашга хизмат қилади.

Суръат НАЙИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

Уч ривоят — уч сабоқ

САДАҒАНГ КЕТАЙ, РИЗҚУ НАСИБАМ!..

БУЮК ҚУДРАТ

Қадимда қароқчилар ҳужум қилишга чоғланиб, эрта тонгда бир қишлоққа кириб бораётганларида азонлаб тандирда нон ёпаётган аёлга кўзлари тушибди. Аёл уларнинг ёмон ният билан келаётганини сезса-да, сир бой бермай: «Ассалому алайкум меҳмонлар, келинглар, нон енглар», — дебди ва эндигина узилган иссиқ нондан икки донасини икки қўллаб уларга узатибди. Нонинг ажиб, ёқимли ҳиди қароқчилар димоғини қитиқлаб, ҳаммаси ютиниб турганда, қўрбошиси отдан тушиб, нонларни олибди-да, йигитларига бир тўғрам-бир тўғрамдан бўлиб берибди ва сўнгида аёлга раҳмат айтиб, «Йигитлар, кетдик», — дея келган изига қайтибди.

— Аёл тушмагур бизни енгди, — деб тушунтирибди у шерикларига, — агар ҳозир қишлоқни таласак, аёл берган нон уради бизни...

Бу-ку, бир ривоят, аммо, унинг замирида ноннинг буюк қудратига ишора мавжуд.

БАРАКА

Бир бой бўлган экан. Камбағал бир қўшниси уйида ҳеч егулик қолмай, ноилож-ликдан ўғлига: «Ҳар қалай ҳамсоя-ку, йўқ демас, бор, бир косагина буғдой сўра, зора, сени гўдак деб ийиб кетса...» деб бойникига чиқарибди.

Бола қўлида коса билан бойнинг дарвозасидан ҳадиксираб мўралаган экан, бой уни хушнуд кутиб олиб, «Хизмат?» — деб сўрабди.

— Отам касал ётувди... буғдой қовурмоч егиси келибди, бир косагина...

— Майли, бўтам, бош устига, қани юр, — деб бой уни қазноқхонага бошлабди. Бораётиб, ерда ётган бир дона буғдойга кўзи тушибди, уни олиб, аввал пешонасига сурибди, кейин қазнокдаги буғдойига қўшиб қўйибди...

Бола коса тўла буғдойни олиб кетатуриб, дарвоза ёнига етганда, ўйланиб туриб бойдан сўрабди.

— Бой ота, менга бир коса буғдой бердингиз, лекин, боя бир дона буғдойни кўзингизга суртиб, қазноққа олиб бордингиз...

— Бўтам, борди-ю, қазноқнинг баракаси ўша бир дона буғдойда бўлса-чи? — дебди бой.

«...Ҳар нарсанинг тежами — уй-рўзғорнинг бежами» — дегани шу бўлса керак.

ОТА-БОБО ТАРБИЯСИ

Уч-тўрт киши узоқ сафарга чиққан экан. Улардан бири ҳар гал нонга қўл чўзаётиб, «Бисмиллоҳир роҳмонир роҳийм» дер, охирида қолган ушоқларини ҳам бирма-бир териб, дам пешонасига, дам лабига суриб ер ва албатта омин қиларди. Манзилдан-манзилга ўтар бўлса ҳам жамодонига албатта, бир бурда бўлса-да, «Нон — ҳамроҳ» деб солиб оларди. Бир куни тоби қочиб, кечаси алаҳсираган экан, тура-солиб ёстиғи остига нон қўйиб ётибди...

У ошхонага кирса ҳам ортиб қолган нон бўлакларини: «Уволи ёмон», деб сафар халтасига солиб кўяр экан. Йўлда нон увоғини кўрса, «Ҳеч қурса қушлар ер-ку», деб оёқ остидан олиб тепароқ жойга қўяр ва ҳар гал: «Садағанг кетай, нон», дейишни канда қилмас экан.

Йўлдошлари бир куни сўрашибди: «Сен мунча нонга топинасан?»

— Ота-бобом менга шундай тарбия беришган, — жавоб берибди у.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ
Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА)
олган сурат

Ҳикматлар сандиғидан

- ***Пулинг кўп бўлса қувонма, донинг кўп бўлса қувон.***
- ***Нонни аясанг нонга, ошни аясанг ошга етказади.***
- ***Нонни хор тутма, зор бўласан.***
- ***Олтин-кумуш тош бўлур, буғдой-арпа ош бўлур.***

Юнус ЗИЁДОВ
тўплаган

НОРОЗИЛИК МИТИНГЛАРИ



Мьянмада ҳокимиятга, аниқроғи, ҳарбий хунта сиёсатига қарши энг йирик оммавий норозиликлар давом этмоқда. Унга қўшилувчилар сони ортиб бормоқда. Айниқса, шу ҳафта уларнинг сони юз мингдан ҳам ортиб кетди. Намойишчиларнинг асосини талабалар ташкил этади. Эндиликда улар қаторига будда дини роҳиблари ҳам қўшилди.

Мьянма маъмурияти эса мамлакат пойтахти Янгонга ҳарбий кучларни киритди ва норозилик намойишчиларини «тартибсизлик»ни тўхтатишга чақирди, акс ҳолда қатъий чоралар кўрилиши мумкинлигини уқтирди.

«Reuters» АА хабар беришича, Мьянмада оммавий норозиликлар 19 августдан бошланган. Ҳокимият тепасида турган ҳарбий хунта томонидан ёнилғи нархининг 5 бараварга қимматлаштирилгани бунга сабаб бўлди. Бу халқнинг турмуш даражаси янада қийинлашишига олиб келди.

Маълумки, Мьянма дунёдаги қашшоқ мамлакатлар қаторига киради. Бу ерда ўртача иш ҳақи йилига 200 долларни ташкил этади.

Норозилик намойишчилари ҳокимиятдан халқнинг турмуш даражасини кўтаришни, мамлакатда демократик ислоҳотлар ўтказилишини, шунингдек, 10 йилдан бери уй қамоғида сақланаётган Демократик миллий лига етакчиси Нобел мукофоти соҳиби Аун Сан Су Чи озод этилишини талаб қилмоқдалар.

Эслатиб ўтамиз: Бирма 1948 йилгача Буюк Британия мустамлакаси бўлган. 1990 йилдан эса ҳокимиятни ҳарбий хунта эгаллаган ва мамлакат номи Мьянма, деб ўзгартирилган.

ЯНГИ БОШ ВАЗИР САЙЛАНДИ

Японияниг Либерал-демократик - ҳукмрон партияси вакили Ятсуо Фукуда парламентда ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра, бош вазир этиб сайланди, дея хабар беради «Kyodo News» АА.

Фукудани парламентнинг фақат қуйи палатаси (вакиллар палатаси, унда либерал-демократлар кўпчиликни ташкил этади) қўллаб-қувватлаган бўлишига қарамай, эндиликда у Вазирлар Маҳкамасини бошқаради.



Юқори палата (маслаҳатчилар палатасида июлдаги сайловлардан сўнг мухолифат-кўпчилиги шаклланган) эса мухолифатдаги Демократик партия етакчиси Итиро Одзавуни бош вазирликка сайлади. Аммо мамлакат қонунчилигига кўра, бундай вазиятда қуйи палата фикри ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

Юзага келган бу каби мураккаб вазиятларда икки томон вакилларидан иборат келишув комиссияси тузилади. Агар улар бир тўхтамга кела олмасалар, қуйи палата фикри ўз-ўзидан кучга киради.

71 ёшли Ятсуо Фукуда мамлакатнинг собиқ бош вазири Жунъичиро Коидзуми ҳокимияти даврида бир неча йил ҳукумат бош котиби бўлиб ишлаган. Ўшанда Коидзумидан сўнг ҳокимиятни у эгаллашига кўпчилик ишонарди. Бироқ 2004 йилги пенсия жамғармаси бадаллари борасидаги жанжаллардан сўнг у истеъфога чиққан.

Фукуда ҳозир император саройида қасамёд қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Эртага парламентда ҳукуматнинг янги дастури юзасидан маъруза қилади.

ТЕРРОРДАН ОГОҲЛАНТИРДИ

Покистон маъмурияти мамлакатда президент сайлови яқинлашиши муносабати билан террорчи-камикадзелар томонидан террорлар содир этилиши мумкинлиги ҳақида кенг жамоатчиликни огоҳлантирди. Шунинг учун мамлакат ички ишлар вазири Жавед Иқбол Чима содир этилиши мумкин бўлган теракт-ларнинг олдини олиш бўйича маҳаллий маъмурларга кўрсатмалар берди.

Чима, шунингдек, мухолиф партияларнинг кўпгина фаоллари қамоққа олинганлиги ҳақидаги маълумотни тан олди. Бу тартиб ва қонунчиликни таъминлаш учун қилинганини алоҳида таъкидлади.

Мухолифат вакилларининг баёнот беришларича, мухолиф партия ва ҳаракатларнинг 700 дан ортиқ вакили республика маъмурияти томонидан қамоққа олинган. Улар асосан «Мутждаҳид мажлиси амал» мухолифатдаги партия ва ҳарбийлар томонидан амалдан четлатилган собиқ бош вазир Навоз Шариф тарафдорларидир.

Мухолифатчилар бугундан 30 сентябргача амалдаги президент, генерал Парвез Мушарраф номзодининг янги муддат учун қўйилишига қарши оммавий норозилик намойишларини ўтказишмоқчи.

«Новости» АА хабар беришича, Покистонда президент сайлови 6 октябрь куни ўтказилади. Кейин парламент сайловлари бўлиб ўтади. Унинг куни ҳали белгиланган йўқ. Қувғиндаги собиқ бош вазирлар Беназир Бхутто ва Навоз Шариф парламент сайловларида иштирок этиш нияти борлигини билдирган.

Эслатиб ўтамиз: Покистоннинг амалдаги президенти Парвез Мушарраф 1999 йили қон тўкишларсиз амалга оширилган ҳарбий давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган.



САЙЛОВ ОКТЯБРГА КЎЧИРИЛДИ

Ливан парламентида бўлиб ўтган президент сайлови самарасиз якунланди. Негаки, мухолифатчи-депутатлар бойкот эълон қилишган. Улар президентликка номзод танлашда ҳукмрон блок вакиллари билан келиша олмаяпти.

Улар икки сиёсий лагер талабларини қондира оладиган етакчини сайлаш тарафдори. Агар шундай номзод танланмаса, парламент сессияларида иштирок этишдан бош тортишмоқда. Ҳукмрон блок эса давлат бошлиғи курсисида ўз одами ўтиришини хоҳламоқда.

Ливаннинг «Эн-Би-Эн» телеканали маълум қилишича, янги президент сайлаш учун куни кеча ўтказилган парламент сессиясида амалдаги 128 депутатдан атиги 65 нафари иштирок этди. Президентни сайлаш учун камида 85 нафар депутат қатнашиши керак. Кворум йиғилмаганлиги боис парламент спикери Набих Берри кейинги сессияни 23 октябрга белгилади.

Эслатамиз: мамлакатнинг амалдаги президенти Эмил Лахуднинг ваколат муддати 23 ноябрда тугайди.

КАСПАРОВНИ СУДГА БЕРМОҚЧИ

Чеченистон парламенти шоҳмот бўйича собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни судга бермоқчи. Халқ мажлисининг навбатдан ташқари йиғилишида шундай қарор қабул қилинди.

«Интерфакс» АА хабарида ёзишларича, Каспаров 23 сентябрь куни «Другая Россия» коалицияси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда Чеченистон президенти Рамзан Қодировни «бандит» дея атаган. Бу ҳақорат учун Чеченистон парламенти вакиллари судга даъво аризаси билан мурожаат этмоқчи.

МАҲБУСЛАР ТАЛАБИ

Бразилиянинг Амазонас штатига қарашли Манаус шаҳридаги қамоқхонанинг барча маҳбуслари қамоқхонанинг 4 нафар ходимини (икки нафари қамоқхона ўқитувчиси) гаровга олиб, ғалаён кўтардилар. Тасдиқланмаган маълумотларга кўра, ғалаён пайтида 1 киши ҳаётдан кўз юмган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган хабарларга қараганда, маҳбуслар ўз қариндошлари билан учрашув вақти узайтирилишини ва қамоқхонанинг санитария-маиший шароити яхшиланишини талаб қилдилар.

Ҳозир маъмурият вакиллари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари гаровдагиларни озод этиш учун маҳбуслар билан музокаралар олиб бормоқда.

Мазкур қамоқхона ўтган йили очилган ва у 496 нафар маҳбусга мўлжалланган. Ҳозир унда 450 нафар маҳбус сақланмоқда.

Сиз ўз сармоянгизни қаерга жойлаштиришни билмаяпсизми?
Сиз кафолатли ва барқарор келажакни хоҳлайсизми?

Вақт билан синалган

«Пахта банк» акциялари

Бу Сизнинг кафолатли ва барқарор даромадингиздир!

Инвестицион нуқтаи назардан моҳияти:

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.
- Фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.
- «Пахта банк» ва унинг филиалларида акциядорларга валюта операциялари бўйича кўрсатиладиган хизматлар мобайнида чегирмалар таклиф қилинади.
- «Пахта банк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.
- Юқори сифатли хизмат кўрсатилади.
- «Пахта банк» акциядорларининг ҳисоби «PAXTA-SERVIS» депозитарийси орқали амалга оширилади.

Тўла маълумот учун тел.:150-53-66, 173-25-51, 173-36-05

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«БУХОРО» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

Қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

«Бухоро тайёрагоҳидаги ҳаво кемаларининг тўхташ жойлари МС №3-6, - перрон №1 ни кенгайтириш ва РД-4-7 бурилиш йўлакларини мукаммал таъмирлаш»

Буюртмачининг бошланғич нархи — 891,578 млн.сўм.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — ўн ой.
Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд шоҳ кўчаси, 251-уй. Факс: 225-07-07, тел.: 225-07-07.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази-га қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.
Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект)нинг қиймати — 60000 сум.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНКИ

ЁШ ОИЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА МИЛЛИЙ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Миллий валютадаги омонатлар:

«ТАЪТИЛ — 2007»
омонати — йиллик **25%,**
сақланиш муддати — **3 ой,**
ҳисобланган фоизларни омонат очилганида ёки ҳар ойда олиш мумкин.

«ТАЪТИЛ — 2»
омонати — йиллик **25%,**
сақланиш муддати — **1 ой,**
ҳисобланган фоизларни омонат очилганида олиш мумкин.

Хорижий валютадаги омонатлар (АҚШ долларида):

«ЛЮКС»
омонати — йиллик **12%,**
сақланиш муддати — **4 ой,**
ҳисобланган фоизларни омонат очилганида ёки ҳар ойда олиш мумкин.

«ЛЮКС — 1»
омонати — йиллик **12%,**
сақланиш муддати — **1 ой,**
ҳисобланган фоизларни омонат очилганида олиш мумкин.

ДАТ «Асака» банки сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! — Банкдаги барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. — **Омонатлар «Асака» банкининг барча филиалларида қабул қилинади.** — Маълумотлар учун телефонлар: (371) 120-82-02, 120-82-60, 120-39-95, 120-84-13, 120-84-26, 125-16-46, 57-44-10.

Хизматлар лицензияланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти, Чортоқ шаҳридаги 465/100 ўқувчи ўринли академик лицейни тайёр ҳолда қуриш

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил 1 август.

Буюртмачи: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уйда жойлашган Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси.

Тел: (8-371) 227-11-84, 246-69-73.

Қурилиш ишлари Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.**

Тел/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 30 октябрь ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 50-А уйда жойлашган, банкрот деб эътироф этилган *«ЗАРБДОР» ишлаб чиқариш ва тижорат бирлашмасининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 903 бўлган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси*

бошланғич нархи — 1 200 000 сўм билан қўйилади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-02-49.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб, калити билан фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд шаҳридаги Самарқанд ҳарбий лицейини СамДАКИ ва СВВАКИУ қошидаги 450 ўқувчи ўринли академик лицейга реконструкция қилиш, 450 ўринли ётоқхонаси билан.

Қурилиш муддати — 10 ой.

***Қурилиш ишлари* — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси* — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

***Буюртмачи манзили:* Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76. Телефон/факс: (8371) 227-11-84.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларни ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51. Факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши — матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Термиз шаҳридаги 720/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш —Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: **Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси.**

Манзили: **Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй. Тел.: (8-371) 227-11-84, 246-69-73.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объектлар номи: умумтаълим мактабларини мукаммал реконструкциялаш «ҚМИ»га

I. ЛОТ №15:

15.1. Риштон тумани, Булоқбоши қишлоғидаги 37-сонли;
15.2. Риштон тумани, Уйрат қишлоғидаги 59-сонли;
15.3. Риштон тумани, Даштпандигон қишлоғидаги 57-сонли.

II. ЛОТ 16:

16.1. Олтиариқ тумани, Файзиобод қишлоғидаги 18-сонли;
16.2. Олтиариқ тумани, Янгиариқ қишлоғидаги 28-сонли;
16.3. Боғдод тумани, Чигит қишлоғидаги 32-сонли.

III. ЛОТ №17:

17.1. Бувайда тумани, Ҳакимтўра қишлоғидаги 46-сонли;
17.2. Охунбобоев тумани, Янгидўкон қишлоғидаги 15-сонли;
17.3. Фурқат тумани, Навбаҳор қишлоғидаги 2-сонли.

IV. ЛОТ №18:

18.1. Риштон тумани, Уйрат қишлоғидаги 60-сонли;
18.2. Риштон тумани, Меҳнатобод қишлоғидаги 42-сонли.

«Калит»га шарти билан:

VI. Бешариқ тумани, Яккатут қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.

VII. Охунбобоев тумани, Пахтакор қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.

VIII. Ўзбекистон тумани, Конизар қишлоғидаги 720/50 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.

IX. Қува тумани, Ўра боши қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.

X. Қувасой шаҳри, Кўчқорчи қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли маиший хизмат педагогика касб-ҳунар коллежи қурилиши.

XI. Боғдод тумани, Кенагас қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қурилиши.

XII. Бувайда тумани, 540/50 ўқувчи ўринли тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.

XIII. Олтиариқ тумани, Ғайрат қишлоғидаги 720/50 ўқувчи ўринли қишлоқ ижтимоий соҳа педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.

Қурилиш муддати — 01.08.2008 й.

Манзил: Фарғона шаҳар, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.

Умумий қурилиш ишлари бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш ва умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларида энг камида 2 йиллик иш тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламиниг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, ПАХТАЧИ ТУМАНИ «ЗИЁВУДДИН ТОЛАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ПАХТАЧИ ТУМАНИ, «ЗИЁВУДДИН ТОЛАСИ» ПАХТА ЗАВОДИНИ ҚАЙТА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Қурилиш ишларини бажариш муддати: 3 ой.

Қурилиш ишлари Самарқанд вилоят, Пахтачи тумани, «Зиёвуддин толаси» ОАЖ хусусий маблағлари ва банкдан олинадиган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Зиёвуддин қўрғони, Наврўз кўчаси, 2-уй.

Тел.: 836640-3-18-58.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел.: 233-32-00, факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши — матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: *Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

Банк ва мижоз

Мамлакат иқтисодиёти барча тармоқларининг бир маромда ривожланаётганида банк тизимининг ҳиссаси катта. Шу ўринда аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаб келаётган, намунали хизмат кўрсатиш орқали мижозларга имконият ва қулайликлар яратаётган Давлат-тижорат Халқ банки Самарқанд филиалининг ҳам мақсадли тадбирларни амалга ошириб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

Унинг 20 та туман, шаҳар филиали ва 41 та мини банкида вилоятдаги 2000дан ортиқ корпоратив мижозлар, кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлар ва касаначиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Мижозлар сони йил бошига нисбатан 1,3 баробарга ошди, улар 50 га яқин хизмат турларидан фойдаланмоқдалар.

Вилоят филиалларининг кредит қўйилмалари жорий йил бошига нисбатан 8 млрд. сўмга ортиб, ҳозирда 15 млрд. сўмдан ошмоқда. Ушбу кўрсаткичларнинг 4 млрд. сўмга яқинини истеъмол ва ипотека кредитлари ташкил қилган бўлса, қолган 11 млрд. сўмдан ортиғини ишлаб чиқариш, инвестиция ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратилган кредитлар ташкил қилади. Банк фаолиятини ривожлантириш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида вилоят филиалларининг активлари 25 млрд. сўмга етказилди, энг асосийси, бу миқдорнинг 92 фоизидан ортиғи даромад келтирувчи активлар ҳиссасига тўғри келади.

Мижозлар депозит ҳисоб рақамларидан маблағларни ўз вақтида уларнинг биринчи талаби бўйича берилиши ташкил этилганлиги натижасида банк филиалларининг ресурслари 23 млрд. сўмга етказилди ва кредит ажратилишини ҳам таъминлади. Ажратилган кредитлар эвазига маҳаллий ёшлар учун 1420 та янги иш ўрни очилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, амалиётга татбиқ этилаётган янги омонат турлари, мижозларга яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг кенг тарғиботи ҳамда омонатчиларга пул маблағлари уларнинг биринчи талаби бўйича берилаётгани боис жорий йилда аҳолининг 3,1 млрд. сўмдан ортиқ бўш пул маблағларини банк депозитларига қўшимча жалб қилишга эришилди. Ҳозирда банк филиалларидаги омонат қолдиғи миқдори йил бошига нисбатан 1,7 баробарга ортиб, 7,5 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Уларда очилган омонат ҳисоб-варақалари сони эса 1 млн. 200 мингдан ортиқ миқдорни ташкил этмоқда. Бу вилоятдаги ҳар икки фуқародан биттаси Халқ банкига ишонч билдириб, ортиқча пул маблағини банк депозитларига қўйганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, банкнинг юқори фоизли «Шодлик», «Пахтакор» ва «Мададкор» омонат турларига мижозларнинг ўз маблағларини қўйиши ушбу омонат турларига уларнинг қизиқиши юқори бўлганлигини кўрсатмоқда. Қисқа фурсатда янги омонат турларига маблағларини қўйган фуқаролар сони 10 минг нафарни ташкил этгани бунга ёрқин мисолдир. Банк филиалларида ёш оилаларга яратилган имкониятларга қўшимча равишда юқори фоизли «Ёш оила» омонат турининг татбиқ этилиши ҳам ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган навбатдаги тадбирдир. Бугунги кунда 900 га яқин ёш оила ушбу омонат туридан фойдаланмоқда. Хуллас, банкнинг амалдаги 20 дан ортиқ омонат турларининг барчасига омонатчилар қизиқиши катта. Бунинг исботини жорий йилнинг ўзида омонат турларига 12,0 млрд. сўмдан ортиқ бўш пул маблағлари жалб қилингани кўрсатиб турибди.

Банкнинг Самарқанд вилоят филиаллари жорий йилда давлат буюртмаси учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун микрокредитлар ажратишга, аҳоли истеъмол бозорини ва бошқа тармоқларни кредитлашга алоҳида аҳамият қаратиб, 16 млрд. сўм кредит ажратилишини таъминлади. Бу кредитлар эвазига 1420 та янги иш ўрни яратилди.

Кредит ажратишда ҳудудда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларини кенгайтириш ҳамда ихчам ускуна ва кичик технологияларни харид қилиш ва ишга туширишга, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 7,7 млрд. сўм кредит, шундан 200 дан ортиқ кичик бизнес субъектларига 2,6 млрд. сўм микрокредит ажратилди. Шунингдек, тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, банк филиалларида ҳисоб рақами очган 215 дан ортиқ ишбилармон аёлларга 600 млн. сўм кредит ажратилди. Улар тақдим этган лойиҳаларга асосан ҳар бир туман марказларида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишга туширилиши таъминланди ва қўшимча 296 та янги иш ўрини яратилди.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, банк филиаллари томонидан ёш оилаларни молиявий рағбатлантириш борасида мақсадли тадбирлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даври давомида уларга уй-жой шароитларини яхшилаш учун 480 млн. сўм, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари харид қилиш учун 5000.0 млн. сўм ҳамда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 375 млн. сўм ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратилди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мазкур Фармон қабул қилингандан кейинги қисқа муддат ичида вилоят филиалларининг молиявий ёрдами эвазига 1115 та ёш оила банк томонидан яратилган имконият ва қулайликлардан фойдаланди.

Яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик: Банкнинг вилоят филиали амалиёт бўлими мижози Гулнора Мирсаидова, Сиёб филиали мижози Ўткир Набиев, Ургут филиали мижози Зилола Эргашевалар ўз вақтида ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига шахсий уй-жой шароитларини яхшилаб олишганидан хурсандлигини билдирса, истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондирган Лутфулло Қодиров, Даврон Нарзиев, Комилжон Мусурмонов, Рустам Маҳмудов ва Ўрол Жўраевлар банкнинг (Тойлоқ, Челак, Нарпай) филиаллари кўрсатган ёрдами учун ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

Айни кунларда Халқ банкининг Самарқанд вилоят филиали жамоасининг асосий эътибори қишлоқ хўжалигига қаратилган. Пахта йиғим-терими мавсумида бу соҳа вакиллари меҳнати учун тўланадиган маблағларнинг узлуксизлигини таъминлаш билан бир қаторда муомалага чиқарилаётган накд пулларни банк кассаларига қайтариш, накд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича ҳам барча чораларни кўришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банкининг Самарқанд вилоят филиаллари ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқон ва фермерларга ҳамда тадбиркорларга мададкор бўлишдек шарафли вазифани бажариб, уларнинг чинакам маънодаги «Оила» банкига айланиб қолмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»

объявляет тендер №12, на приобретение нижеследующего оборудования с поставкой согласно графика (4 квартал 2007 года — 3 квартал 2008 года):

Лот № 1. Станок модель УФ 5527М для механической обработки надрессорной балки и боковой рамы те лежки грузового вагона в количестве одной единицы.

Лот № 2. Колесотокарный станок типа УВВ 112/2РГ в количестве пять единиц.

Лот № 3. Горизонтальный расточный станок 2Н 636 ГФ в количестве одной единицы.

Лот № 4. Пресс листогибочный 400-500 тонн в количестве одной единицы.

Лот № 5. Пресс листогибочный типа ИР 1334 в количестве одной единицы.

Лот № 6. Дробеструйной камеры для очистки кузова вагона в количестве одной единицы.

Лот № 7. Сварочной головки К-1000 для сварки рельсовых плетей в количестве одной единицы.

К тендерному рассмотрению принимаются аналогичные или модернизированные выше указанные оборудования при предоставлении всех необходимых документов.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410, тел.: 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объяления в средствах массовой информации.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда Қашқадарё вилоятида янгидан қурилиши, капитал реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши кўзда тутилаётган умумтаълим мактабларига

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Янгидан қуриладиган мактаблар:

1. Ғузор тумани, Даштобод қишлоғидаги 315 ўқувчи ўринли 38-сонли мактаб филиали
2. Қарши туманидаги 420 ўқувчи ўринли 22-сонли мактаб
3. Қарши туманидаги 376 ўқувчи ўринли 36-сонли мактаб филиали
4. Косон туманидаги 216 ўқувчи ўринли 65-сонли мактаб
5. Китоб туманидаги 490 ўқувчи ўринли 37-сонли мактаб
6. Чироқчи туманидаги 216 ўқувчи ўринли 67-сонли мактаб
7. Чироқчи туманидаги 420 ўқувчи ўринли 69-сонли мактаб
8. Шаҳрисабз туманидаги 216 ўқувчи ўринли 1-сонли лицей-интернат (ётоқхонаси билан 100 ўринли)
9. Яккабоғ туманидаги 160 ўқувчи ўринли 46-сонли мактаб
10. Қарши шаҳри, Бўстон маҳалласидаги 490 ўқувчи ўринли мактаб

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар:

1. Ғузор туманидаги 690 ўқувчи ўринли 3-сонли мактаб
2. Ғузор туманидаги 535 ўқувчи ўринли 32-сонли мактаб
3. Ғузор туманидаги 140 ўқувчи ўринли 25-сонли мактаб
4. Қамаши туманидаги 400 ўқувчи ўринли 51-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
5. Қамаши туманидаги 300 ўқувчи ўринли 31-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
6. Қамаши туманидаги 400 ўқувчи ўринли 45-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
7. Қамаши туманидаги 360 ўқувчи ўринли 47-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
8. Қамаши туманидаги 450 ўқувчи ўринли 72-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
9. Қамаши туманидаги 176 ўқувчи ўринли 71-сонли мактаб (9Х18 м. спорт зали билан)
10. Касби туманидаги 410 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб филиали
11. Касби туманидаги 585 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
12. Косон туманидаги 760 ўқувчи ўринли 9-сонли мактаб филиали
13. Косон туманидаги 420 ўқувчи ўринли 57-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
14. Косон туманидаги 480 ўқувчи ўринли 38-сонли мактаб
15. Косон туманидаги 280 ўқувчи ўринли 47-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
16. Китоб туманидаги 330 ўқувчи ўринли 17-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
17. Китоб туманидаги 480 ўқувчи ўринли 28-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
18. Китоб туманидаги 210 ўқувчи ўринли 14-сонли мактаб (9Х18 м. спорт зали билан)
19. Китоб туманидаги 460 ўқувчи ўринли 70-сонли мактаб
20. Муборак туманидаги 834 ўқувчи ўринли 13-сонли мактаб
21. Муборак туманидаги 210 ўқувчи ўринли 30-сонли мактаб
22. Миришкор туманидаги 490 ўқувчи ўринли 24-сонли мактаб
23. Миришкор туманидаги 340 ўқувчи ўринли 32-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
24. Чироқчи туманидаги 280 ўқувчи ўринли 93-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
25. Чироқчи туманидаги 210 ўқувчи ўринли 148-сонли мактаб (9Х18 м. спорт зали билан)
26. Чироқчи туманидаги 395 ўқувчи ўринли 151-сонли мактаб
27. Нишон туманидаги 460 ўқувчи ўринли 22-сонли мактаб филиали
28. Шаҳрисабз туманидаги 525 ўқувчи ўринли 17-сонли мактаб филиали
29. Яккабоғ туманидаги 246 ўқувчи ўринли 53-сонли мактаб (12Х24 м. спорт зали билан)
30. Яккабоғ туманидаги 96 ўқувчи ўринли 88-сонли мактаб
31. Қарши шаҳридаги 750 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб.

Капитал таъмирланадиган мактаблар:

1. Деҳқонобод туманидаги 192 ўқувчи ўринли 23-сонли мактаб
2. Деҳқонобод туманидаги 192 ўқувчи ўринли 59-сонли мактаб
3. Деҳқонобод туманидаги 180 ўқувчи ўринли 62-сонли мактаб
4. Қамаши туманидаги 270 ўқувчи ўринли 13-сонли мактаб
5. Қамаши туманидаги 624 ўқувчи ўринли 61-соқли мактаб
6. Касби туманидаги 840 ўқувчи ўринли 2-сонли мактаб
7. Касби туманидаги 624 ўқувчи ўринли 18-сонли мактаб
8. Касби туманидаги 315 ўқувчи ўринли 38-сонли мактаб
9. Касби туманидаги 420 ўқувчи ўринли 5-сонли мактаб
10. Касби туманидаги 320 ўқувчи ўринли 11-ихтисослашган мактаб-интернат
11. Косон туманидаги 624 ўқувчи ўринли 10-сонли мактаб
12. Косон туманидаги 520 ўқувчи ўринли 22-сонли мактаб
13. Косон туманидаги 150 ўқувчи ўринли 59-сонли мактаб
14. Косон туманидаги 834 ўқувчи ўринли 37-сонли мактаб
15. Косон туманидаги 500 ўқувчи ўринли 85-сонли мактаб
16. Косон туманидаги 210 ўқувчи ўринли 95-сонли мактаб
17. Косон туманидаги 624 ўқувчи ўринли 51-сонли мактаб
18. Косон туманидаги 420 ўқувчи ўринли 58-сонли мактаб
19. Косон туманидаги 315 ўқувчи ўринли 84-сонли мактаб
20. Китоб туманидаги 315 ўқувчи ўринли 32-сонли мактаб
21. Китоб туманидаги 624 ўқувчи ўринли 54-сонли мактаб
22. Китоб туманидаги 417 ўқувчи ўринли 72-сонли мактаб
23. Китоб туманидаги 315 ўқувчи ўринли 36-сонли мактаб
24. Муборак туманидаги 210 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб
25. Миришкор туманидаги 315 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб
26. Миришкор туманидаги 120 ўқувчи ўринли 37-сонли мактаб
27. Чироқчи туманидаги 315 ўқувчи ўринли 10-сонли мактаб
28. Чироқчи туманидаги 420 ўқувчи ўринли 22-сонли мактаб
29. Чироқчи туманидаги 510 ўқувчи ўринли 28-сонли мактаб
30. Чироқчи туманидаги 417 ўқувчи ўринли 30-сонли мактаб
31. Чироқчи туманидаги 240 ўқувчи ўринли Мирзо Улуғбек номидаги гимназия мактаби
32. Чироқчи туманидаги 417 ўқувчи ўринли 47-сонли мактаб
33. Чироқчи туманидаги 210 ўқувчи ўринли 54-сонли мактаб
34. Чироқчи туманидаги 624 ўқувчи ўринли 104-сонли мактаб
35. Чироқчи туманидаги 315 ўқувчи ўринли 110-сонли мактаб
36. Чироқчи туманидаги 315 ўқувчи ўринли 49-сонли мактаб
37. Шаҳрисабз туманидаги 624 ўқувчи ўринли 7-сонли мактаб
38. Шаҳрисабз туманидаги 420 ўқувчи ўринли 11-сонли мактаб
39. Шаҳрисабз туманидаги 420 ўқувчи ўринли 52-сонли мактаб
40. Шаҳрисабз туманидаги 420 ўқувчи ўринли 70-сонли мактаб
41. Шаҳрисабз туманидаги 624 ўқувчи ўринли 74-сонли мактаб
42. Шаҳрисабз туманидаги 945 ўқувчи ўринли 88-сонли мактаб
43. Шаҳрисабз туманидаги 840 ўқувчи ўринли 91-сонли мактаб
44. Яккабоғ туманидаги 420 ўқувчи ўринли 50-сонли мактаб
45. Яккабоғ туманидаги 624 ўқувчи ўринли 96-сонли мактаб
46. Қарши шаҳридаги 534 ўқувчи ўринли 7-сонли мактаб
47. Қарши шаҳридаги 320 ўқувчи ўринли 14-сонли мактаб
48. Қарши шаҳридаги 516 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб
49. Қарши шаҳридаги 624 ўқувчи ўринли 24-сонли мактаб
50. Қарши шаҳридаги 945 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб
51. Қарши шаҳридаги 624 ўқувчи ўринли 36-сонли мактаб
52. Қарши шаҳридаги 820 ўқувчи ўринли 43-сонли мактаб
53. Қарши шаҳридаги 320 ўқувчи ўринли 37-сонли мактаб

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 227-16-56, 227-19-71

Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга, фуқаролик-ҳуқуқий қобилиятига ва шартнома тузиш ваколатига, шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида), 2005-2007 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 500 млн. (янги қурилиш), 200 млн. (капитал реконструкция), 100 млн. (капитал таъмирлаш) сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик, қайта ташкил бўлган (ажратиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек, таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг «Танлов савдолари иштирокчилари учун йўриқнома»да ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотлари танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйга, иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиши мумкин.
Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда Қашқадарё вилоятида қурилиши кўзда тутилаётган касб-ҳунар коллежларига ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Янгидан қуриладиган 23 та касб-ҳунар коллежи:

1. Деҳқонобод тумани, «Карашина» қишлоғидаги 360/100 ўринли (тиббиёт йўналиши) касб-ҳунар коллежи
2. Косон тумани, Дўстлик қишлоғидаги 540 ўринли (маиший хизмат йўналиши) касб-ҳунар коллежи
3. Яккабоғ тумани, «Чуброн» (Қайрағоч) қишлоғидаги 540/50 ўринли (маиший хизмат йўналиши) касб-ҳунар коллежи
4. Китоб шаҳридаги 720/100 ўринли (педагогика йўналиши) касб-ҳунар коллежи
5. Шаҳрисабз тумани, Қатағон қишлоғидаги 720/100 ўринли АПК (қайта тайёрлаш) касб-ҳунар коллежи
6. Миришкор тумани, Чандир қишлоғидаги 540 ўринли (қишлоқ хўжалик йўналиши) касб-ҳунар коллежи
7. Косон тумани, «Гулбоғ» (Андабозор) қишлоғидаги 540/100 ўринли (маиший хизмат йўналиши) касб-ҳунар коллежи
8. Қарши тумани, Қоратепа (Сарой) қишлоғидаги 540 ўринли (иқтисод йўналиши) касб-ҳунар коллежи
9. Деҳқонобод тумани, «Чоштепа» (Бойқўрғон) қишлоғидаги 540 ўринли (озиқ-овқат йўналиши) касб-ҳунар коллежи
10. Ғузор тумани, Катта қишлоғидаги 720 ўринли (транспорт йўналиши) касб-ҳунар коллежи
11. Нишон тумани, Нуристон қишлоғидаги 540/100 ўринли саноат (энергетика йўналиши) касб-ҳунар коллежи
12. Нишон шаҳридаги 540/50 ўринли (қишлоқ хўжалик йўналиши) касб-ҳунар коллежи
13. Қарши тумани, Хушвақт қишлоғидаги 540/100 ўринли (маиший хизмат йўналиши) касб-ҳунар коллежи
14. Қамаши тумани, Чим қишлоғидаги 50 ўринли (ётоқхона) касб-ҳунар коллежи
15. Қамаши тумани, Қоратепа қишлоғидаги 720 ўринли АПК (ахборот технология йўналиши) коллежи
16. Касби тумани «Қамаши» қишлоғидаги 720 ўринли (ахборот технология йўналиши) касб-ҳунар коллежи
17. Шаҳрисабз тумани, Қорапойча қишлоғидаги 540/50 ўринли (иқтисод йўналиши) касб-ҳунар коллежи
18. Чироқчи шаҳридаги 720/100 ўринли (педагогика йўналиши) касб-ҳунар коллежи

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 227-16-56, 227-19-71.

Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизматлар)чи бажариш учун зарур мутахассисларга, фуқаролик ҳуқуқий қобилиятига ва шартнома тузиш ваколатига, шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида), 2005-2007 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1 млрд. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик, қайта ташкил бўлган (ажратиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек, таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг «Танлов савдолари иштирокчилари учун йўриқнома»да ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотлари танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйга,** иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин. **Тел/факс:** (8-375): 223-10-63, 223-19-14.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин ўтказилади.

Янги шеърлар

АҒЛАДИМ ДУНЁНИҢ ҲАЙРАТИ ДИЙДОР

АЙ ДУНЁ...

Ай дунё, томошанг тугамас сира,
Қозондек қорасан, гулдек бокира.
Кўчангдан ўтгувчи бир йўловчиман,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай дарё, қошингда ўйга толаман,
Чанқадим, бир ҳовуч сувинг оламан.
Демагин мен абад мангу қоламан,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай тоғлар, тошлар ҳам мангу эмасмиш,
Ажабки, ҳеч жонзот тошни емасмиш.
Лек қиёмат қаҳри бу тоғ демасмиш,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай осмон, юзингда сон мингта юлдуз,
Вале, қуёш билан бу олам кундуз.
Кел, қайтар дунёда сен ҳам қарзинг уз,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай кўнглим, кўчангга кўп бора кирдим,
Мен сени юзингдан ҳасад сидирдим.
Мен сени изингдан ҳикмат қидирдим,
Умрингни тиладим, умримни тила.

МАРҒИЛОН

Водий юзидаги инжа холмисан,
Ўзбек тилидаги битта болмисан,
Ўзинг айтгин, оламга жамолмисан,
Кўриб соғинганим, кўзим, Марғилон,
Сўраб сийлаганим, сўзим, Марғилон.

Фарғона бағрида юз очган малак,
Сени сеҳриданми яратган фалак,
Тилимдан тушмаган эй ширин тилак,
Сен қуёш, аслида сен ой, Марғилон,
Онам қўлидаги ширмой, Марғилон.

Кумушнинг кўзида жилмайган ҳаё,
Сенга ошиқликни қилмадим даъво,
Сени Отабекка яратган Худо,
Ошиқлар ахтарган чаман, Марғилон,
Малаклар диёри ҳамон, Марғилон.

Жўрахон куйига жило берган нур,
Маъмуржон дилида юз очган сурур.
Марғиноний бобом дунёга ғурур,
Илм излаганга ҳикмат, Марғилон,
Мен сендан топганим ҳайрат, Марғилон.

Икки минг йил яшаб қўйган тоза гул,
Сен Эрам боғида бир боқий булбул.
Жаҳон ойнасида жамолинг кўргил,
Ўзбекнинг ўзидек азал, Марғилон,
Ўзбекнинг ўзидек гўзал, Марғилон.

КЎНГИЛ ОФТОБИ

Осмонда ўт ўрмас ойнинг ўроғи,
Ҳеч кимса курмакни тишда ушламас.
Ғалат титроқ экан виждон титроғи,
Халқдан узилганни Худо хушламас.

Қозон қайнагунча кўпикнинг умри
Шеър шаклига сиғмас илҳом сурури,
Эр йигит жонида элнинг ғурури,
Халқдан узилганни Худо хушламас.

Тўнкани туртганни қақшайди қўли,
Тошни ҳам титратар туҳматнинг дўли,
Кўнглимга тўкилар оҳимнинг кули,
Халқдан узилганни Худо хушламас.

Ойга осилганнинг юзлари доғдир,
Кунни кўролмаган нурдан йироқдир,
Савоб ахтарганга иймон чироқдир,
Халқдан узилганни Худо хушламас.

Дунё бозорига сиғмайди ёлғон,
Қандоқ сафда юрар назардан қолғон,
Яхшилар олқишни Оллоҳдан олғон,
Халқдан узилганни Худо хушламас.

Адолат кўнгилнинг офтоби эрур,
Ҳақиқат бу халқнинг хитоби эрур,
Ширин сўз Маҳмуднинг шароби эрур,
Халқдан узилганни Худо хушламас.

СОҒИНЧ ҲАҚИДА

Соғинч саҳросининг садоси нола,
Босган қадамингда бозиллайди чўғ.
Сўлмагай юракдан узилган лола,
Кўнгиллар кўришса кўзларга гап йўқ.

Бедор болишларда Ҳақнинг нигоҳи,
Томганда товланар киприклар оҳи.
Дийдор тилатгани гулнинг гуноҳи,
Кўнгиллар кўришса кўзларга гап йўқ.

Чирой чаманида хушторлар лолдир,
Минг юлдуз ичинда битта ҳилолдир.
Бунда шакардайин сўзлар уволдир,
Кўнгиллар кўришса кўзларга гап йўқ.

Умринг катта йўлга тўкилган хазон,
Қайта гулламоққа берилмас имкон.
Воҳ, ердан қанчалар узоқда осмон,
Кўнгиллар кўришса кўзларга гап йўқ.

Мироблар сув ичгай булоқ бошидан,
Ким ғубор топибди гавҳар тошидан,
Чеҳралар ёришгай қувонч ёшидан,
Кўнгиллар кўришса кўзларга гап йўқ.

Соғинсанг, шодликнинг шарбати дийдор,
Маҳмуд, садоқатнинг сийрати дийдор.
Англадим, дунёнинг ҳайрати дийдор,
Кўнгиллар кўришса кўзларга гап йўқ.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватан ҳимояси — олий шараф

АЪЛО ХИЗМАТ УЧУН ТАШАККУРНОМА

Фарзанди ортидан раҳмат эшитмоқ ҳар бир ота-она учун катта бахт. Гап шундаки, истиқлолимизнинг 16 йиллиги тантаналари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқларига биноан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги ҳиссаси, ҳарбий жамоа фаолиятидаги муваффақиятли иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига Ташаккурнома йўлланганди.

Яқинда Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов Ташаккурномага муносиб топилган ота-оналарни қабул қилиб, уларга совғасаломлар топширди.

Уйчи туманининг «Ғайрат» қишлоғида истиқомат қилувчи Маҳмуджон ака билан Марҳабатхон опа ўғли, капитан Муҳаммаджон Холматов, Чуст туманининг Варзик қишлоғидан Самижон ака ва Шакархон опа лейтенант фарзандлари Алишер Ҳамдамов , Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Насибахон ая Тўхтабоева ўғли Отабекнинг ютуқлари туфайли, қўйингки, вилоятнинг турли туманларидан бўлган 13 ҳарбий йигитнинг ота-оналари фарзандларининг аъло хизматлари учун миннатдорчилик билдиради.

— Қувончимнинг чеки йўқ, ҳаяжонланмай бўладими, — дейди Шакархон опа. — Қуролли Кучлар сафида намуна ва ибрат бўлиб қишлоғи, оиласи шаънига раҳматлар олиб келган ўғлонга она бўлганим учун тақдиримдан мингдан минг розиман.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида мард ва жасур ўғлонларимиз хизмат қилаётир. Ана шундай фарзандларни тарбиялаб Ватан ҳимоясига жўнатган ота-оналарга ҳар қанча ташаккур айтсак арзийди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР

Фарғона вилоят ўсма касалликлар шифохонаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида 300 миллион сўмликдан ортиқ замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса нафақат касалликни даволаш, балки унинг олдини олишда ҳам катта самара бераётир.

— Рентген, маммография, гастродуоденоскоп ва бошқа тиббий ускуналарнинг касалликка аниқ ташхис қўйишда ўрни катта, — дейди шифохона бош шифокори Зулфия-хон Исломбекова. — Шу билан бирга, биз аҳоли ўртасида профилактика ва тарғибот ишларига ҳам катта эътибор қаратмоқдамиз. Айниқса, шаҳар ва туманларда олиб борилаётган скрининг тадқиқотларимиз саратон касаллик босқичларини эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда кўмак берягти.

Кейинги йилларда шифохонанинг ўзида бир қатор мураккаб операциялар ҳам амалга оширилмокда. Шунингдек, Россиянинг Ростов-Дон шаҳридаги онкология институти билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса ўзаро тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Суратларда: *ҳамшира Машҳура Ҳайдарова; шифохона бош шифокори Зулфия Исломбекова, жарроҳ Юсуфжон Умаров ва бош шифокор ўринбосари Муҳаммаджон Муҳиддинов.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



Интер-спорт

ВАҚТИНЧАЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBC) бошқаруви ўта оғир вазн тоифасида нигериялик Сэмюэл Питерни вақтинчалик жаҳон чемпиони, деб эълон қилди. ESPN агентлигининг тарқатган хабарига кўра, бунга амалдаги жаҳон чемпиони Олег Маскаев (Россия) ҳамда чемпионликка даъвогар Сэмюэл Питер ўртасида ўтиши кутилаётган жангнинг қолдирилганлиги сабаб бўлди.

Маълумки, мазкур боксчилар шу йилнинг 6 октябрида Нью-Йоркда учрашув ўтказиши кутилаётганди. Аммо россиялик боксчининг навбатдаги машғулотлардан бирида белидан жиддий жароҳатланганлиги оқибатида бу жанг қолдирилди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, Олег Маскаевнинг саломатлигини тиклаши учун камида уч-тўрт ой зарур бўлади. Демак, Маскаев рингга қайтгунига қадар унинг охирги учрашувидан ҳисоблаганда орадан 14 ой ўтар экан.

Шу сабабли WBC қоидаларига асосан вақтинчалик жаҳон чемпиони номи маълум қилинди. Чемпионлик камари учун асосий даъвогар саналган Сэмюэл Питер сўнгги жангида Жеймс Тоунини енгган. Олег Маскаев эса 2006 йилнинг августида Хасим Раҳмонни мағлубиятга учратиб, олтин камарга сазовор бўлган эди. У ўтган йилнинг декабрида охирги бор Питер Океллога қарши рингга кўтарилиб, чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилганди.

WBC қарорига кўра, Маскаев бир йил ичида чемпионлик унвонини ҳимоя қилиши зарур. Агар у шу муддат ичида рингга қайтмаса, олтин камар россиялик боксчидан олиб қўйилади ва расмий даъвогар Сэмюэл Питер амалдаги жаҳон чемпиони, деб эълон қилинади.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2007 йил февраль ойида Мусахонов Дилмурод Бахтиёрович номига берилган 1101438 рақамли патент йўқолгани туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бугун — Жаҳон сайёҳлик куни

ХОРИЖЛИКЛАРНИ ЧОРЛАЁТГАН ЮРТ

Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон ўзининг туристик салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Мағриб ила Машриқни боғлаб турувчи Буюк Ипак йўли марказида жойлашган мамлакатимиз ҳудудида маълумотларга қараганда 8 мингга яқин турли даврларга оид меъморий ва тарихий обидалар сақланиб қолган. Айни пайтда уларнинг тахминан 4 мингтаси республика сайёҳлик йўналишларига киритилган. Кўпчилиги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий меросларининг рўйхатига олинган.

Истиқлол йиллари давлатимизнинг сайёҳлик имкониятлари янада кенгайиб, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг халқаро алоқалар ва инвестиция бошқармаси бошлиғи Алишер ШАМШИЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Аввало, мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятлари ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз...

— Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун барча ресурслар, яъни бой маданий-тарихий мерос, табиий жиҳатдан аҳамиятга молик сўлим масканлар, замонавий меҳмонхоналар, етук мутахассислар, қулай транспорт турлари ҳамда иқтисодиётни рағбатлантирувчи мукаммал механизм мавжуд. Бу эса мамлакатимизда халқаро туризмни янада ривожлантириш, жаҳон андазаларига мос янги, умуммиллий услубдаги шинам меҳмонхоналар ва сайёҳлик масканларини барпо этиш, соҳага хорижий сармояларни кенг миқёсда жалб этиш имкониятини беради.

Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари қайта кашф этилди. Президентимиз ташаббуси билан 1992 йилнинг 27 июлида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил топди. Ўтган давр мобайнида тизим тубдан ислоҳ қилиниб, мамлакат туризми «Ўзбектуризм» мақомига эга бўлди. Соҳадан тушган даромад тизимнинг ривожига йўналтирилди.

Биласиз, туризм ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилаётгани муносабати билан туризм соҳасида ҳам тадбиркорлар сони ошиб бормоқда. Улар томонидан жаҳон талабларига мос умуммиллий услубдаги қатор хусусий меҳмонхоналар қурилаяпти, сервис ва хизмат кўрсатиш турлари кўпаймоқда. Хизмат кўрсатишнинг 90 фоизини айнан шу йўналиш ташкил этмоқда.

Компаниямизнинг Малайзия, Индонезия, Покистон, Россия, Миср Араб Республикаси каби мамлакатларда ўз ваколатхоналари бор. Улар Ўзбекистоннинг бой тарихий обидалари, бугунги кўркам замонавий шаҳарлари, сайёҳлик йўналишларини халқаро туристик ярмаркаларда, анжуманларда реклама-тарғибот қилиш ва шу аснода экспорт хизматлари ҳажмини кўпайтириш саъй-ҳаракатида бўлишаяпти.

Бугунги кунда миллий компаниямизнинг Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида минтақавий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда саёҳат-экскурсия бюролари мавжуд.

— Хорижлик сайёҳлар юртимизга кўпроқ қайси туристик йўналишларимиз бўйича келишяпти?

— Тўғриси, хорижлик сайёҳларнинг диди, хоҳиши, истаги, орзуси ҳар хил бўлади. Бир тоифасини — авлодларимиздан мерос қолган ислом меъморий обидалари, Термиз атрофидаги Кампиртепа қалъаси, буддизм эҳромларининг қолдиқлари ва Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкенддаги маданий ёдгорликлар қизиқтирса, бир тоифасини — сўлим масканларимиз, табиатимизнинг мўъжизакор ғўшалари ром этади. Айниқса, японияликлар сайёҳларда Кампиртепа қалъасига қизиқиш катта. Скандинавия ороллари мамлакатлари сайёҳлари Чимён тоғ ён-бағирларига келиб, ҳордиқ чиқаришмоқда. Бахмал тоғларини кўришни истовчилар ва Чорвоқнинг сўлим табиати қўйнида дам олаётганлар ҳам кўп...

Яқинда, мисрлик бир сайёҳ юртимизга учинчи марта келганини айтиб: «Регистон менга дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлиб туюлади» деди ва келгусида яна Ўзбекистонга келиш истаги борлигини билдирди...

Кези келганда, яна бир гап: Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти Марказий Осиё давлатлари сайёҳлик тизими ривожига катта ҳисса қўшаяпти. Оддий мисол, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлатларининг бирорта сайёҳлик ширкати йўқки, ўз йўналишларига албатта «Шарқ садафлари» — Самарқанд, Хива, Бухоро шаҳарларини қўшмаган бўлса... Сўнгги йилларда Германия, Япония, Франция, Бельгия, Нидерландия, Буюк Британия, Италия, Испания, Канада, Жанубий Америка мамлакатларидан ҳам кўплаб сайёҳлар кела бошлашди.

Статистик маълумотларга қараганда, ўтган 2006 йилда (миллий туризмдан ташқари) республикамизга 278 минг нафар хорижлик сайёҳлар ташриф буюришган.

— Катта туристик салоҳиятга эга мамлакатимиз учун бу кўрсаткич паст эмасми?

— Бизда миллий туризм билан бирга зиёратчилар ташрифи ҳам яхши ривожланган. Ислом аҳли азалдан муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб келишади. Бундай табаррук зиёратгоҳлар мамлакатимизда оз эмас. Шу боис халқаро туризм ривожланиб келяпти. Ҳукуматимиз бу соҳага катта аҳамият бериб келяпти.

— Кўҳна тарих гувоҳ, боя ўзингиз ҳам айтдингиз, турли асрларда яшаган аждодларимиз ўзларидан бой маданий мерос, кўплаб мўъжизакор тарихий обидалар қуриб қолдирган. Биз уларнинг анъаналарини қай тарзда давом эттираяпмиз, деб ўйлайсиз?

— Ҳақли савол. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз ўзимиздан озод ва обод Ватан қолдиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Истиқлолда ўтган 16 йил тарих учун катта давр эмас, аммо мамлакатимиз, халқимиз учун бу йиллар улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик, аср қурилишлари даври бўлиб тарих саҳифаларида қолади.



Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқандда Имом Ал-Бухорий, Имом Мотурудий, Фарғонада Ал-Фарғоний, Марғилонда Марғиноний ва шу каби кўплаб меъморий мажмуалар, пойтахтда Ҳазрати Имом масжидининг ансамблининг бундай улуғворлик касб этиши ислом оламида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Тошкент Ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилди. Қисқаси, дунё шарқ дурдонаси — Ўзбекистонни ўзига қайта кашф этаяпти... Сайёҳлар Ҳазрати Имом мажмуасининг янги ва муҳташам масжидини, Бароқхон, Мўй муборак мақбараси, Тилла Шайх ва Намозгоҳ масжидларининг муҳташамлиги ва гўзаллигини кўриб, ҳайратга тушмоқдалар. Улар миллий маданий меросимиз ва тарихий обидаларимиз қаторидан муносиб жой олди. Кўпгина хорижий мамлакатларда туризм соҳасидаги имкониятларимизни «Сайёҳларни чорлаётган юрт» деб таърифлашаяпти.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 22.45
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda